



ИС ГАЗИ ТАЪСИРИДА ҚИЗИЛЎНГАЧНИНГ МОРФОФУНКЦИОНАЛ ЎЗГАРИШЛАРИ ВА УЛАРНИ КОРРЕКЦИЯЛАШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВЛАРИ

Бахронов Б.Б.,

Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти

Мақсад: Узоқ муддатли ис газы (СО) таъсирида қизилўнғачда юзага келадиган морфологик ва иммуногистокимёвий ўзгаришларни чуқур ўрганиш, шунингдек *Silybum marianum* (расторопша) ва *Carthamus tinctorius* (сафлор) асосидаги фитотерапевтик воситаларнинг коррекцион самарадорлигини баҳолаш.

Материаллар ва усуллар: Тадқиқотда вазни 200–250 г бўлган 200 та оқ зотсиз каламуш иштирок этди. Ҳайвонлар тасодифий тарзда 4 гуруҳга ажратилди: назорат; сурункали СО интоксикацияси; СО + *Silybum marianum*; СО + *Carthamus tinctorius*.

СО таъсири ҳайвонларни 200–300 мг/м³ (0,02–0,03%) концентрацияли муҳитда кунига 1–2 соат, ҳафтасига 5–6 марта, 1–3 ой давомида сақлаш орқали моделлаштирилди, бу эса сурункали гипоксия ҳолатини шакллантиришга хизмат қилди.

Тажриба якунида ҳайвонлардан қизилўнғач тўқималари олиниб, 10% нейтрал формалинда фиксация қилинди, стандарт гистологик ишловдан ўтказилиб, парафинга қуйилди. 5–7 мкм қалинликдаги кесмалар гематоксилин-эозин ва Van Gieson усуллари билан бўялди.

Имуногистокимёвий таҳлил стрептавидин-биотин-пероксидаза усулида ўтказилиб, Ki-67 (пролиферация маркери) ва Vcl-2 (антиапоптотик фаоллик маркери) қўлланилди. Иммунопозитив хужайралар 1 мм² майдонда морфометрия усулида ҳисобланди.

Натижалар: Узоқ муддатли СО таъсири қизилўнғач шиллик қаватида сезиларли деструктив ўзгаришларга олиб келди. Эпителий қалинлиги $45 \pm 2,3$ дан $26 \pm 1,2$ нм гача камайди, шиш даражаси $10 \pm 0,6$ дан $20 \pm 1,1$ нм гача ошди, инфильтрация 35 ± 3 дан 140 ± 9 хужайра/мм² гача кўпайди, яллиғланиш фаоллиги эса $0,5 \pm 0,1$ дан $4,0 \pm 0,2$ баллгача ўсди.

Фитокоррекция натижасида патологик ўзгаришлар сезиларли даражада камайди. *Carthamus tinctorius* қўлланилган гуруҳда эпителий қалинлиги $42 \pm 2,0$ нм гача тикланди, яллиғланиш 1,5–2,0 баллгача пасайди, инфильтрация 60–70 хужайра/мм² ни ташкил этди. *Silybum marianum* гуруҳида эса эпителий $43 \pm 2,1$ нм, яллиғланиш $1,3 \pm 0,1$ балл ва инфильтрация 55 ± 4 хужайра/мм² га тенг бўлди.



Қўшимча равишда аниқландики, фитопрепаратлар қўлланилиши Ki-67 ва Bcl-2 экспрессиясининг мувозанатлашувига олиб келиб, хужайралар пролиферацияси ва апоптози ўртасидаги мувозанатни қисман тиклайди.

Хулоса: Сурункали ис гази таъсири қизилўнгачда гипоксияга боғлиқ оғир морфофункционал бузилишларни келтириб чиқаради. *Silybum marianum* ва *Carthamus tinctorius* асосидаги фитокоррекция яллиғланиш ва дистрофик ўзгаришларни камайтириш, шунингдек хужайравий регенерация жараёнларини барқарорлаштиришда самарали эканлиги аниқланди.

Олинган натижалар фитотерапияни сурункали гипоксия шароитида қизилўнгачни ҳимоя қилиш ва даволашнинг истикболли йўналиши сифатида қараш имконини беради ҳамда келгусида клиник тадқиқотлар ўтказиш зарурлигини кўрсатади.